

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СУВ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ АСОСИЙ ЖИҲАТЛАРИ

Каримов Нуриддин Қурбон ўғли

Мустақил изланувчи

К.М.Муртазаев

Илмий раҳбар: Тарих фанлари доктори (DSc), профессор

Karimov Nuriddin Qurbon o'g'li

Independent Researcher

К.М. Murtazaev

Doctor of Historical Sciences (DSc), Professor

Аннотация: Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикаси сув ҳавзалари, кичик дарёлар ва трансгегаравий дарёлардан фойдаланишнинг ўзига хос жиҳатлари, бунда давлатлар орасидаги ҳамкорлик ҳамда сув хавфсизлигини таъминлаш масалаларига оид илмий таклиф тавсиялар ёритилган.

Калит сўзлар: Сув ҳавзалари, кичик дарёлар, трансгегаравий дарёлар, ҳамкорлик, сув хавфсизлиги, чучук сув ресурслари, захираси.

MAIN ASPECTS OF ENSURING WATER SECURITY IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

Abstract: This article examines the specific features of the use of water basins, small rivers, and transboundary rivers in the Republic of Uzbekistan. It also highlights scientific proposals and recommendations concerning cooperation among states and issues related to ensuring water security.

Keywords: water basins, small rivers, transboundary rivers, cooperation, water security, freshwater resources, reserves.

Кириш

Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш шарт-шароитларида энг муҳим аҳамиятга эга бўлган вазифалардан бири

мамлакатда сув хавфсизлигини таъминлашдир. Чунки, республикада сув ресурслари танқислигининг пайдо бўлиши, миллий манфаат ва хавфсизликка тўғридан-тўғри таҳдид сифатида қабул қилинади.

Ўзбекистон аҳолиси сони, саноатнинг қуввати ва қишлоқ хўжалигида суғориладиган ерлар майдонининг катталиги сабабли Марказий Осиё давлатлари орасида сув ресурсларига кўпроқ эҳтиёж сезадиган мамлакат ҳисобланади. Бундан ташқари, бугунги кунда минтақа давлатларида сув ресурсларининг нотекис тақсимланганлиги билан боғлиқ муаммолар мавжуд. Бундай шароитда, Ўзбекистон Республикасида аҳолини ичимлик суви билан таминлаш, турли саноат тармоқлари ва табиий экотизимнинг сувга бўлган эҳтиёжини тўлиқ қондириш масаласининг долзарблиги ошиб бормоқда. Ўз навбатида, республика иқтисодиётининг изчил ва барқарор ривожланиши барча тармоқлар ва аҳолини ўз вақтида, керакли ҳажмда ва сифатли сув ресурслари билан таъминлашга боғлиқдир. Марказий Осиё минтақасида сўнгги 30 йил ичида асосий эътибор ва ҳаракатлар Орол денгизи ҳавзасининг Амударё ва Сирдарё каби йирик трансчегаравий дарёларининг сув ресурсларини ҳамкорликда бошқариш ва фойдаланиш муаммоларини ечишга йўналтирилди. Бироқ, олиб борилган саъйи-ҳаракатларга қарамай, бугунги кунда бу масала ҳам тўлиқ тартибга келтирилмаган. Шундай экан шубҳасизки, минтақанинг Сирдарё ва Амударё ҳавзасидаги трансчегаравий кичик дарёларнинг сув ресурсларини қўшни республикалар билан ҳамкорликда бошқариш масаласи ўз-ўзидан долзарб ҳисобланади. Зеро, дарё ҳавзаси ягона бир тизим бўлиб, тизим элементлари (кичик дарёлар)га нисбатан антропоген (инсон) омилларнинг мавжудлиги қайсидир даражада оқимнинг қуйи қисмида ўз аксини топади.

Шу сабабли, минтақадаги трансчегаравий кичик дарёларнинг ҳолатини ўрганиш, уларнинг самарадорлик даражасини ошириш ҳамда уларнинг сув ресурсларини ҳамкорликда бошқариш масаласи бугунги кун нуқтаи назаридан жараёнга бевосита ижобий таъсир этувчи омиллардан биридир.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, тадқиқот мавзусининг долзарблигини куйидаги омиллар билан белгилаш мумкин:

биринчидан, республикамызда фойдаланиладиган сув ресурсларининг асосий қисми қўшни давлатлар ҳудудидаги кичик дарёларнинг қўшилишидан ҳосил бўлиши;

иккинчидан, бугунги кунда минтақа давлатлари ўртасида трансчегаравий сув ресурсларидан ҳамкорликда фойдаланиш борасида ягона тўхтамнинг мавжуд эмаслиги;

учинчидан, қўшни давлатлар томонидан трансчегаравий кичик дарёларнинг сув ресурсларига салбий таъсир кўрсатилиш эҳтимолининг мавжудлиги;

тўртинчидан, сув ресурслари билан боғлиқ барқарор экологик ва санитар-гигиеник вазиятни сақлашда трансчегаравий кичик дарёларнинг аҳамияти катталиги;

бешинчидан, минтақадаги (Амударё ҳавзасидаги) трансчегаравий кичик дарёларнинг аниқ ҳуқуқий мақомининг белгиланмаганлиги ва ҳ.к.

Сув атроф табиий муҳитнинг ажралмас ва энг муҳим таркибий қисмидир. У давлатнинг иқтисодий, экологик ва ижтимоий эҳтиёжларини қондирадиган ва давлатнинг шаклланиши ҳамда бир маромда ривожланишини таъминлашда асосий ўринни эгалловчи чекланган ва ниҳоятда заиф табиий захирадир.

Дунёдаги сув захираларининг умумий ҳажми тахминан 1400 млн. км.куб бўлиб, шундан 2,5 фоизи, яъни 35 млн. км.куб чучук сувлардир. Чучук сувларнинг катта захиралари Антарктида ва Греландиянинг қўп йиллик музлик ва қорликларида, шунингдек ер қаърининг сувли горизонтларида жойлашган. Истеъмол қилинадиган сувларнинг асосий манбалари бўлиб, қўллар, дарёлар, тупроқ намлиги ва унча чуқурликда жойлашмаган ер ости сув захиралари ҳисобланади. Мазкур ресурсларнинг фойдаланиш мумкин бўлган қисми 200 минг. км.куб бўлиб – чучук

сувларнинг 1 фоиздан камроғини шунингдек, ер юзидаги барча сувларнинг 0,01 фоизини ташкил қилади. Шу билан бирга, бу сувлар аҳоли ҳудудларидан узоқда жойлашганлиги муаммони янада чуқурлаштирмоқда.

Бугунги кунда ушбу табиий захиранинг ҳолати бутун дунёда ёмонлашиб давлатлар сув хавфсизлигини таъминлашда бир катор муаммоларни келтириб чиқармоқда. Чунки сув табиий атроф-муҳит мувозанатини сақлаш, уни мўътадил ҳолатда ушлаб турувчи асосий омил бўлиб, саноат, қишлоқ хўжалигини ишлаб чиқаришда асосий воситалардан биридир. Шу ўринда, Ўзбекистон Республикаси ҳам суғориладиган деҳқончилик йўналишига асосланган бўлиб, бунда сув муҳим роль ўйнайди.

“Суғориладиган ҳудудларда сув табиатнинг бебаҳо омилдир,- деб ёзади Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев, - бутун ҳаёт сув билан боғлиқ. Зотан, сув тамом бўлган жойда ҳаёт ҳам тугайди” Ўзбекистон Республикасида бугунги кунда энг муҳим аҳамиятга эга бўлган устувор вазифалардан бири– сув хавфсизлигини таъминлашдир. Сув хавфсизлигини таъминлашнинг аҳамияти ва долзарблилиги тобора ошиб бораётган бугунги шароитда, уни миллий хавфсизликнинг алоҳида таркибий қисми сифатида эътиборга олиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Чунки мазкур соҳага хос бўлган таҳдидларнинг салбий оқибатлари ҳозирда нафақат шу соҳанинг ўзига, балки хавфсизликнинг бошқа соҳалари бўлмиш ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва экологик хавфсизлик каби йўналишларига ҳам сезиларли таъсир этиб келаётганлиги муаммонинг кўлами қанчалик даражада кенглигини англатади. Шунга асосан ва сув хавфсизлигининг миллий хавфсизликни таъминлаш тизимидаги ўзига хос ўрни ва ролини ҳисобга олган ҳолда, уни қуйидагича таърифлаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

Сув хавфсизлиги– бу миллий манфаатларни ҳимоя қилиш ва амалга оширишда мамлакатни ўз вақтида, керакли ҳажмдаги ва сифатли сув ресурслари билан таъминланганлик ҳолатидир. Бироқ мазкур тушунча барча давлатлар учун ҳам бир хилда эътироф этилмайди. Масалан қўшни

Тожикистон ва Қирғизистон Республикаларида сув хавфсизлиги ибораси қўлланилганда фақат аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш жараёни тушунилиши мумкин.

Бундан ташқари, чучук сув ресурсларининг захираси бўйича етакчи ўринларни эгаллаб турган Канада, Бразилия ва Россия Федерацияси каби мамлакатларда ҳам сув хавфсизлигига бошқача таъриф берилган бўлиши мумкин. Гапнинг асл моҳияти шундаки, 14 давлатларнинг ички сув ресурсларига боғлиқ равишда уларнинг сув хавфсизлиги ҳолати баҳоланади). Сув хавфсизлигини миллий хавфсизликдаги аҳамиятининг юқорилигини тан олиш уни тизим сифатида моҳиятини ёритиш, хусусан, миллий манфаатлар, уларни таъминловчи субъектлар, хавфсизлик объектлари ҳамда ушбу соҳада вужудга келаётган таҳдидлар, уларнинг таркиби ва даражасини аниқлаш заруриятини келтириб чиқаради. Шундан келиб чиққан ҳолда республикада сув хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги миллий манфаатлар сифатида қуйидагиларни келтириб ўтиш мумкин:

- ижтимоий жиҳатдан: республика аҳолисини тўлиқ ва сифатли сув ресурслари билан таъминлаш;
- иқтисодий жиҳатдан: иқтисодиётнинг барча тармоқларини сувга бўлган зарурий эҳтиёжларини қондириш;
- сиёсий жиҳатдан: трансчегаравий сувлардан фойдаланишда минтақа давлатлари билан интеграцион жараёнларни йўлга қўйиш;
- экологик жиҳатдан: атроф табиий муҳитни, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсини етарли ва сифатли сув ресурслари билан таъминлаш орқали экотизимнинг табиийлигини сақлаб қолиш.

Ўзбекистон Республикасида сув хавфсизлигини таъминлашда объект сифатида ер усти сув ресурслари, ер ости сувлари, қорлик ва музликлардан иборат сув захираларини кўрсатиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Хусусан ер усти сув ресурслари тўғрисида сўз юритадиган бўлсак, Ўзбекистоннинг асосий сув ресурсларини трансчегаравий дарёлар орқали

оқиб келадиган сув ресурслари ва мамлакат ҳудудида шаклланадиган устки сувлар ташкил этади. Бевосита республика ҳудудида шаклланадиган сув ресурслари улуши Амударё ҳавзаси бўйича 6 фоиз, Сирдарё ҳавзаси бўйича 16 фоиз, умуман республика бўйича олганда умумий оқимнинг тахминан 8 фоизини ташкил қилади. Ер ости сувлари эса мамлакат сув ресурсларининг муайян қисмини ташкил этади. Орол денгизи ҳавзаси, жумладан Ўзбекистон ҳудудининг ер ости сувлари ёғингарчиликлар, сув ҳавзаларини филтрлаш, дарё ўзанлари, каналлар, кўллар ва суғориладиган ҳудудлар ҳисобидан ҳосил бўлади.

Ўзбекистон бўйича табиий ер ости сув ресурслари тахминан 24 км.куб.ни ташкил этади. Шу билан бирга, Ўзбекистон ҳудудида 525 дон тоғ музликлари мавжуд бўлиб, уларнинг умумий майдони 154,2 км.куб.ни ташкил қилади.

Ўзбекистон Марказий Осиё давлатлари орасида сув ресурсларига кўпроқ эҳтиёж сезадиган мамлакатдир. Шунга қарамадан минтақа давлатларида сув тақчиллиги муаммоси мавжуд бўлиб турган бугунги шароитда, республикада аҳоли ва табиий экотизимнинг сувга бўлган эҳтиёжини тўлиқ қондириш долзарблиги тобора ошиб бормоқда. Мамлакатда барқарорликни таъминлаш кўп ҳолларда 35 млн. аҳолини ичимлик сувига бўлган эҳтиёжини қондирилишига, 4.3 млн.гектар суғориладиган ерлар ҳамда саноат йўналишини, шунингдек экологик талабларнинг қондирилганлиги билан чамбарчас боғлиқдир. Ўзбекистонда сув хавфсизлигини таъминлашнинг асосий жиҳатларини таҳлил қилишда мамлакат иқтисодиёти ва инфраструктурасининг ривожланиши, шунингдек аҳоли сонининг муайян тарзда ўсиши билан бирга қишлоқ хўжалиги, саноат соҳаси ва коммунал хўжалик йўналишларида доимий равишда сув истеъмолининг ўсишини эътиборга олиш лозим.

Ўзбекистонда барча соҳалар учун умумий ичимлик сувининг истеъмоли Орол ҳавзасидаги трансчегаравий ва ички сув ресурслари

ҳисобидан йилига 55,1 км.куб.ни ташкил этади, шу жумладан суғориладиган ерларга 49,7 км.куб, шаҳар ва қишлоқ аҳолисини ҳўжалик ичимлик сув таъминоти учун 3,4 км.куб. сув истеъмол қилинади. Бу белгиланган лимит бўйича сувдан фойдаланиш даражасидан кам ҳисобланади. Амударё ва Сирдарё оқимини мавсумий бошқариш зарурлиги шароитида Ўзбекистон эгалик қилиши мумкин бўлган сув ресурслари миқдори (ўз дарёларининг 11,53 км.куб. оқими ҳисобга олинган ҳолда) давлатларaro битимга биноан 63,02 км.куб.ни ташкил қилади. Бироқ мазкур кўрсаткич турли йилларда турлича бўлиши ва сув ресурслари олинадиган манбалар бўйича ҳам турлича тақсимланиши мумкин.

Шу ўринда бу кўрсаткични белгилашда айнан кичик дарёларнинг улуши ҳам бошқа сув манбалари қаторида алоҳида аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикасида сув ресурсларидан фойдаланиш тартибига кўра, иқтисодиёт тармоқлари сув истеъмолчиси ва сувдан фойдаланувчи тармоқларига бўлинади. Сув истеъмолчилари (саноат, қишлоқ ҳўжалиги, коммунал ҳўжалиги) сувни манбадан олиб, аксарият тамомила истеъмол қилади ёки бир қисмини ўзлаштиради ва буғлантириб юборади, қолганини эса сифатини ўзгартирган (оқова) ҳолда қайтаради. Натижада манба сувининг миқдори ва режими ўзгаради. Сувдан фойдаланувчилар (гидроэнергетика, сув транспорти, балиқчилик) сувнинг ўзидан эмас, унинг энергиясидан ва сувли муҳитдан фойдаланадилар, натижада манбадаги сув сифати, миқдори ва режими ўзгармайди 2. Сув истеъмолчилари ва фойдаланувчиларининг сувдан лимит бўйича фойдаланиши сув билан тенг таъминланиш принципига қараб белгиланади.

Шу ўринда, Ўзбекистон сув хавфсизлигини таъминлаш жараёнларида биринчи навбатда эътиборга олинаётган устувор йўналишларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

ичимлик ва коммунал-ҳўжалик сув таъминоти;
саноат;

кишлоқ хўжалиги сув таъминоти;
энергетика;
балиқчилик;
рекреация мақсадларида сувдан фойдаланиш.

Ўзбекистонда ичимлик ва коммунал эҳтиёжлар учун сувдан фойдаланиш. Фойдаланилаётган сув, айниқса, ичимлик суви сифатининг юқорилигига бўлган қатъий талаб коммунал хўжалигининг ўзига хос хусусиятларидандир. Ушбу тармоқ но ирригация сув истеъмолчилари орасида сув олиш миқдори, сувни қайтармасдан истеъмол қилиш, аҳоли пунктлари оқова қувурлар тизимларининг сув оқизиши бўйича биринчи ўринда туради.

Ҳар йили ичиш ва коммунал эҳтиёжлар учун 4,05 км.куб.сув сарфланади. Бу барча ноирригация тармоқлари истеъмол қиладиган сув ҳажмининг ярми демакдир. Гарчи ичимлик суви таъминотини яхшилаш учун жиддий чоралар кўрилаётган бўлсада, айтилиши вақтда республика аҳолисининг муайян қисми ҳанузгача сифат нормаларига тўла мос келмайдиган сувдан фойдаланмоқда. Шунингдек, ер ости чучук сув захираларининг тенг тақсимланмаганлиги боис республиканинг айрим ҳудудларида ичимлик сувининг тақчиллиги кузатишмоқда (Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро вилояти, Самарқанд, Қашқадарё, Жиззах ва Сурхондарё вилоятларининг ғарбий туманлари).

Республикада сувдан саноат эҳтиёжлари учун фойдаланиш. Республика саноати ҳар йили ўз мақсадлари учун 1,2 км.куб. сув олади. Олинган сув миқдорининг қарийиб ярми саноат оқимлари кўринишида орқага қайтарилади, уларнинг сифати атроф-муҳит учун экологик жиҳатдан хавфли ҳисобланади. Сув ҳавзаларига саноат объектлари томонидан таркибида оғир металл тузлари, фторидлар, фенол, нефть маҳсулотлари, азотлар, биологик ва тегишли соҳалар учун хос бошқа ифлослантирувчи моддалар бўлган тозаланмаган сув оқизилади.

Мамлакат қишлоқ хўжалик сув таъминотида сувдан фойдаланиш. Қишлоқ хўжалик сув таъминоти қишлоқ аҳолисининг хўжаликда фойдаланиши ва ичиши учун, коммунал-маиший эҳтиёжлари, қишлоқ хўжалигининг ишлаб чиқариш эҳтиёжларини (суғориладиган ерлардан ташқари) қондиришни кўзда тутди. Ушбу йирик сувдан фойдаланиш тармоғи коммунал хўжалиги каби кўплаб ўхшаш, бироқ ўта сезиларли 18 муаммоларга эга. Ҳар йили қишлоқ хўжалик сув таъминоти мақсадлари учун 0,906 км.куб. сув олинади.

Сувдан умумий фойдаланиш ҳажмининг 92 фоизи ирригация улушига тўғри келади. Қишлоқ хўжалигининг мамлакат иқтисодиётидаги етакчи роли, қишлоқ аҳолисининг унга бевосита боғлиқлиги, уларнинг турмуш даражаси, даромади ва фаровонлигини ҳисобга олиб, соҳани сув билан бир меъёردа таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Сувдан нооқилона фойдаланиш ва унинг самарадорлигининг пастлиги деҳқончиликни ривожлантиришга тўсқинлик қилаётган асосий омиллардандир. Магистрал каналлардан сувнинг сизиши—хўжалик ичидаги тармоқда ва бевосита суғориш пайтидаги сув йўқотишлар — сувдан фойдаланиш самарадорлигини пасайтирувчи асосий сабаблар ҳисобланади.

Хулоса

Сўнгги йилларда ҳукумат томонидан магистрал сув қувурлари самарадорлигини ошириш, сув етказиб беришни яхшилаш ва бошқа мақсадларга қаратилган қатор меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди. Халқаро ташкилотлар ва донор-мамлакатлар томонидан амалга оширилаётган саъйи-ҳаракатлар суғоришнинг қулай ёндашувлари ва схемаларини, мамлакатнинг турли ҳудудларида ирригация тизимларнинг турли даражаларида сувни бошқариш механизмларини ишлаб чиқишга йўналтирилган.

Республика гидроэнергетика соҳасида сувдан фойдаланиш. Ўзбекистон энергетика тизими асосини иссиқлик ва гидростанциялар ташкил қилади. Электр энергетика ҳам сувдан фойдаланувчи тармоқ ҳисобланади —

энергетика мақсадларида фойдаланиладиган 4,1 км.куб. сувнинг 0,15 км.куб. миқдори қайтарилмасдан сарфланади. Мамлакатда сув ресурсларидан рекреация учун фойдаланиш ҳам йўлга қўйилган бўлиб, фойдаланиш табиий ва сунъий экотизимлар имкониятидан фойдаланишга асосланган. Бу тизимга тоғолди ва тоғли ҳудудлар, йирик дарёлар, сув омборлари ва каналларнинг қирғоқлари киради.

Бу борада сув усти энг жозибадор ландшафт ҳисобланади. Бироқ улар табиий 19 ҳолда рекреация мақсадлари учун унчалик фойдали эмас. Шу боис бу ободонлаштириш ва табиатни муҳофаза қилиш бўйича муайян ишларни амалга оширишни талаб қилади. Ўзбекистонда сув ресурсларининг сифати қониқарсизлиги сезилади. Минераллашиш ва ифлосланишнинг энг юқори даражаси асосий дарёларнинг ўрта ва қуйи оқимида кўпроқ кузатилади.

Ер усти ва ости сувларини асосий ифлослантирувчи қишлоқ хўжалиги ҳисобланади. Саноат ва коммунал-маиший корхоналар оқова сувлари улуши унчалик катта эмас, бироқ зиён етказиш даражаси бўйича ўта хавфли ва зарарлидир. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, республикада сув ресурслари ниҳоятда чекланган бўлиб, мамлакат ҳудудида унинг тахминан 10 фоизи ҳосил бўлади, қолган қисми эса қўшни Қирғизистон ва Тожикистон Республикалари ҳудудидан оқиб келади. Марказий Осиё давлатларининг “мустақил сув” сиёсатини юритиши натижасида мамлакатда сув танқислиги муаммоси янада кескинлашмоқда. Шунингдек, сув ресурсларини муҳофаза қилиш лозимлиги нуқтаи назаридан иккита йўналиш, биринчидан сувни миқдорий жиҳатдан камайишининг олдини олиш, иккинчидан унинг ифлосланиши ва минераллашувининг олдини олиш муҳимдир. Умуман олганда, республикада сув хавфсизлигини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, сув захираларининг етишмаслиги оқибатида юзага келадиган муаммолар давлатнинг иқтисодий ва экологик соҳалари қаторида ижтимоий соҳасига ҳам ўз таъсирини кўрсатиши мумкин. Шунинг учун мамлакатда сув хавфсизлигига эришишнинг асосини уч нарса республикани ўз вақтида,

керакли миқдорда ва сифатли сув ресурслари билан таъминлаш кетма-кетлиги ташкил этади.

Фойдаланилган адабиятлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.- Ўзбекистон, 2023 йил.
2. Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик концепцияси. 1997 йил.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонуни.1993 йил.
4. “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонун.
5. “Халқаро ҳуқуқ ассоциацияси томонидан қабул қилинган халқаро аҳамиятга эга сувлардан фойдаланиш қоидалари”. Хельсинки. 1966 йил.
6. БМТнинг “Трансчегаравий сув оқимларини ва халқаро кўллариини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида”ги конвенция. Хельсинки, 1992 йил.
7. “Давлатлараро сув манбаларини ишлатиш ва муҳофаза қилишни бирга бошқариш соҳасида ҳамкорлик тўғрисида”ги Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон ва Ўзбекистон ўртасидаги битим. Олма-ота. 18.02.1992 йил.
8. “Марказий Осиё давлат бошлиқларининг трансчегаравий сувлардан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишга тўғрисида”ги декларация. Олма-ота, 1997 йил.
9. “Трансчегаравий миқёсда атроф-муҳитга таъсирни баҳолаш бўйича” Конвенция. 1997 йил.
10. “Марказий Осиё давлат раҳбарлари томонидан минтақа экологиясини яхшилаш, сув ресурслари ва атроф – табиий муҳитни бошқариш тўғрисида”ги декларация. Ашхобод.1999 йил.
11. Тожикистон Республикаси Сув Кодекси. ноябрь, 2000. 4-модда.

12.Марказий Осиё давлат раҳбарлари томонидан Орол денгизини ижтимоий-иқтисодий, экологик аҳволини яхшилаш тўғрисида”ги декларация. Душанбе. 2002 йил.